



**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА МАҲКУМЛАР
ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ**

Насриддинов Азизхон Анварович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг криминалогик хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳкумлар жиноятчилигининг келиб чиқиш сабаблари, динамикаси ва унга таъсир этувчи асосий криминалогик омиллар ўрганилган. Тадқиқот давомида маҳкумлар жиноятчилигининг ижтимоий, психологик ва ташкилий омиллари таҳлил қилиниб, жазони ижро этиш муассасаларида жиноятларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўз: маҳкум, жиноятчилик, криминалогия, жазони ижро этиш муассасаси, криминоген омиллар, хавфсизлик, жиноят-ижроия тизими, пенитенциар муассаса, маҳкумлар жиноятчилиги профилактикаси, унинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий характери.

**CRIMINOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CRIMES COMMITTED
BY PRISONERS IN PENITENTIARY INSTITUTIONS**

Abstract: This article analyzes the criminological characteristics of crimes committed by prisoners in penitentiary institutions. The research examines the causes, dynamics and criminological factors influencing prisoner crime. Special attention is given to social, psychological and organizational factors contributing to criminal behavior within correctional institutions. The study also proposes preventive measures aimed at improving crime prevention mechanisms and strengthening the security system of penitentiary institutions.

Keywords: prisoner, crime, criminology, penitentiary institutions,



criminogenic factors, prevention, security.

КИРИШ

Жиноятчиликка қарши курашиш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Жиноятчиликнинг олдини олишда жазони ижро этиш муассасалари муҳим ўрин тутди. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, айрим ҳолатларда маҳкумлар томонидан ушбу муассасалар ичида ҳам турли жиноятлар содир этилиши мумкин. Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар чекланган ҳудудда, махсус режим ва доимий назорат шароитида содир этилади. Шу сабабли мазкур жиноятларни криминологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларнинг сабабларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Маҳкумлар жиноятчилигини ўрганиш орқали жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларга таъсир этувчи омиллар ҳамда профилактика чораларини ишлаб чиқиш мумкин[1].

Пенитенциар жиноятчилик (лотинча, «*poenitentiarius*» – тавба қилиш, пушаймон қилиш) – бу мажбурий тарзда жамиятдан изоляция қилиш шароитида жиной ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар тизимидир.

Пенитенциар жиноятчилик – пенитенциар муассасалар, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида содир этиладиган ҳамда содир этиш жойи билан белгиланадиган жиноятдир. Бунга жазони ижро этиш муассасалари, маҳкумларни даволаш муассасалари, манзил-колониялари, тарбия колонияси, турмалар, тергов ҳибсхоналарини ташкил этади. Унинг хусусиятлари пенитенциар тизими муассасаларидаги ўзига хос шароитлар ва маҳкумларга оид ижтимоий махсус муҳит билан белгиланади[2].

Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизими пайдо бўлганидан бошлаб пенитенциар жиноятчилик муаммоси долзарб бўлиб келмоқда. Мавжуд статистик маълумотларга кўра, 2025 йилнинг ўтган 12 ойи давомида жами **111 та** (2024й–100 та) жиноятлар фош этилган бўлиб[3], шулардан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 15-моддасига асосан Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра қуйидаги кўринишга эга:



- Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар – 21 тани;
- Унча оғир бўлмаган жиноятлар–9 тани;
- Оғир жиноятлар – 46 тани;
- Ўта оғир жиноятлар – 35 тани ташкил этади.

Ушбу жиноятчилик криминологик хусусиятларини (жамиятдан изоляциялаш шароити, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташнинг белгиланган тартибини бузиш, латентликнинг ликнинг юқори даражаси) инобатга олган ҳолда, мазкур ноқонуний ҳаттиҳаракатларнинг олдини олиш зарурати мавжуд[4].

2025 йил давомида маҳкумлар томонидан **111 та** (2024–100) жиноят содир этилган. Шундан, 59 таси ЖИЭКлар (59%), 43 таси МКлар (43%) ва 9 таси ТХлар (9%) ҳиссасига тўғри келади. Маҳкумлар томонидан содир этилган тури таҳлил қилинганда асосан, ўғрилик, талончилик, фирибгарлик, ҳақорат қилиш, қотиллик, маҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, тан жароҳат етказиш, бўйсунмаслик[5], қаршилик кўрсатиш, пора бериш, чегара бузиш, гиёҳвандлик моддалари олди савдоси ва конституцион тузум ва жамоат ҳавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларни ташкил этади.

Жазони ижро этиш муассасаларида содир этиладиган жиноятлар умумий жиноятчиликдан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Ушбу жиноятлар асосан маҳкумлар ўртасидаги муносабатлар, криминал субкультура ва муассаса режимининг хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг асосий турларига қуйидагилар киради:

- бошқа маҳкумларга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари;
- муассаса ходимларига қаршилик кўрсатиш;
- қочиш ёки қочишга уриниш;
- тақиқланган буюмларни тайёрлаш ёки сақлаш;
- муассаса тартибини бузишга қаратилган ҳаракатлар.

Бу каби жиноятлар муассасадаги тартиб ва ҳавфсизликка жиддий таҳдид туғдиради ҳамда криминоген муҳит шаклланишига сабаб бўлиши



мумкин.

Маҳкумлар томонидан жиноят содир этилишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади[6].

Ижтимоий омиллар – маҳкумларнинг таълим даражаси пастлиги, ижтимоий муҳит ва оилавий муаммолар уларнинг жиноий хулқ-атворини шакллантириши мумкин.

Психологик омиллар[7] – озодликдан маҳрум этиш инсон психологиясига жиддий таъсир кўрсатади. Узоқ муддатли қамоқ стресс, агрессия ва руҳий тушкунлик ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Криминал муҳит таъсири – жазони ижро этиш муассасаларида айрим ҳолатларда криминал субкультура шаклланиши мумкин. Бундай муҳит маҳкумларнинг жиноий фаолиятга жалб этилишига сабаб бўлади.

Ташкилий омиллар – Назоратнинг етарли даражада эмаслиги, профилактика ишларининг самарадорлиги пастлиги ёки хавфсизлик чораларининг камчилиги ҳам жиноят содир этилишига шароит яратиши мумкин[8].

Жазони ижро этиш муассасаларида жиноятчилик динамикаси бир қатор омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Жумладан:

- маҳкумлар сонининг ортиши;
- муассасадаги шароитлар;
- назорат тизимининг самарадорлиги;
- профилактика тадбирларининг ҳолати.

Кўп ҳолларда жиноятлар маҳкумлар ўртасидаги низолар, таъсир доираси учун кураш ёки криминал гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этилади.

Жазони ижро этиш муассасаларида жиноятларнинг олдини олиш учун қуйидаги чоралар муҳим аҳамиятга эга:

- муассасада қатъий режим ва назоратни таъминлаш;
- маҳкумлар билан профилактик ва тарбиявий ишлар олиб бориш;
- криминоген гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятини чеклаш;



- техник назорат воситаларидан самарали фойдаланиш;
- негатив ҳисобда турган маҳкумларни соҳавий хизмат ходимларига бириктириш;
- маҳкумларни меҳнат ва ижтимоий фаолиятга жалб қилиш.

Жазони ижро этиш муассасаларида жиноятларни олдини олиш, бу[9] – озодликдан маҳрум этиш жойларида жиноятларнинг детерминант омилларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этишга, маҳкумларга профилактик таъсир қилишга, шунингдек, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларга қарши ишлаб чиқилган тадбирлар ва уларни такомиллаштиришга қаратилган фаолиятдир.

Мутахассислиги бўлмаган, маълумот даражаси паст маҳкумлар атроф-муҳитга нисбатан танқидий муносабатда бўлолмайди, бошқалар томонидан енгил таъсирланади, ноформал хулқ-атвор қоидаларига йўналиши осонроқ кечади.

Маҳкумлар шахсий хавфсизлигини таъминлаш масаласи, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган шахсларнинг жиноятларини олдини олишда алоҳида муҳим ўрин тутади. Шахсий хавфсизлик кафолатли таъминланманганлиги боис, маҳкумлар ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари орқали ўзлари ва бошқаларга нисбатан жисмоний шикаст етказадилар, энг оғир вазиятларда эса, зўравонликка асосланган ўта оғир жиноят – қотилликни содир этадилар. Бундай ҳолатларда шахсий хавфсизликни таъминлаш, бу – муайян тоифадаги маҳкумларга можароли вазият пайдо бўлишига йўл қўймаслик ёки уни бартараф этиш усулларини ўргатишдан иборат. Ушбу турдаги психологик ишлар жамоадаги муносабатларни уйғунлаштиришга имкон яратади, ижтимоий кескинликни юмшатади ва жиноят содир этишга тайёр туришни камайтиради[10].

Профилактик ишларни амалга оширишда жазони ижро этиш муассасалари учун ўзига хос бир қатор объектив ва субъектив омилларни ҳисобга олиш зарур. Буларга жазони ўташ шароитлари, ижтимоий, психологик, тарбиявий ишлар аҳволи, моддий-маиший таъминот, интизомий амалиёт ва бошқалар киради. Бундан ташқари, пенитенциар жиноятларни



олдини олишда профилактик чораларни комплекс равишда қўллаш муҳим аҳамият касб этади[11].

Айнан юзага келаётган муаммо, низо ва можароларни ҳал этишга комплекс ёндошув, асосий мақсад бўлмиш – озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчиликни аниқлаш ва баргараф этиш энг яхши самара беради[12].

Юқорида келтирилганлардан хулоса чиқариб шуни таъкидлаш керакки, пенитенциар жиноятчиликни олдини олиш ва профилактикаси бу яхлит ижтимоий жараён бўлиб, ўзига хос хусусиятга эга бўлган маҳкумлар томонидан содир этиладиган ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг сабаб ва шароитларини аниқлашга, чек қўйишга қаратилган турли тадбирлар, маҳкумлар билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларида жиноятчиликка қарши курашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, мавжудларини такомиллаштиришдан иборат.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятлар ўзига хос криминологик хусусиятларга эга. Уларнинг келиб чиқишига ижтимоий, психологик ва ташкилий омиллар таъсир кўрсатади.

Шу сабабли мазкур жиноятларнинг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини кучайтириш, назорат тизимини такомиллаштириш ва маҳкумлар билан тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

ФАЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Т.Г.Терещенко. К вопросу о системе мер предупреждения пенитенциарной преступности. Вестник Могилевского института МВД. 2016., С. 272. // www.institutemvd.by
3. А.О.Макаренко. Актуальные вопросы современной юридической науки: теория, практика, методика: материалы Международной заочной научно-практической конференции. (Могилев 2019-07-17)



4. A.A.Насритдинов-2025 “Jinoyat sababi va uni sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarning nazariy-huquqiy tahlili” <https://scientific-jl.org/index.php/new>.
5. A.A.Nasritdinov-2025 “Одам савдосини олдини олиш чоралари” <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3114>
6. A.A.Nasritdinov-2025 “Axborot texnologiyalari yordamida noqonuniy giyohvand savdosini fosh etish: huquqiy va texnik jihatlari” <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3113>
7. A.A.Nasritdinov-2025 “Ички ишлар органларининг тезкор қидирув бўлинмаларида қидирув ишини ташкил этишнинг таҳлили” (Жазони ижро этиш муассасалари мисолида) <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8543180531167231457&btnI=1&hl=ru>
8. A.A.Nasritdinov-2025 “Одам савдосига қарши кураш тенденцияси” <http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3081/2907>
9. A.A.Nasritdinov-2025 “Darknet va onlayn qora bozorlarni monitoring qilish usullari” <http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3013/2845/>
10. Исамиддинов С. Фирибгарлик жиноятининг виктимологик профилактикаси бўйича хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2024. – Т. 3. – С. 6.
11. Исамиддинов , С. . (2023). Фирибгарлик жинояти тушунчасининг илмий-назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлили. *Универсальная индексная библиотека Евразийского журнала права, финансов и прикладных наук*, 3(4), 191–195. извлечено от <https://lib.uniconflict.com/index.php/UILEJLFFAS /article/view/13003>
12. Исамиддинов Садирдин Ганижонович (2025) Firibgarlik va folbinlikning farqli tomonlari hamda javobgarlik masalalariga oid ayrim mulohazalar *Хуқуқий тадқиқотлар* журналі. <https://www.tadqiqot.uz/index.php/law/article/download/11795/11275/23429> . Б 64-70.